

**ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ СОҶАЛАР ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ВА
АМАЛИЙ МЕТОДИКАСИ**

Бадалова Б.Т.


Чирчиқ давлат педагогика университети

Аннотация: Ушбу мақолада полисемия ҳодисаси, унинг моҳияти, мазкур ҳодисанинг умумдабий лексикада, соҳалар терминологиясида, хусусан, тилшуносликнинг замонавий соҳаларида қўлланилиши ҳақида сўз юритилган. Замонавий лингвистик терминлар ўртасида кўп маънолилиқ ҳодисасининг пайдо бўлиш сабаблари, ўзига хос хусусиятлари байналмилал ўзлашма терминлар орқали очиб берилган, мисоллар билан далилланган.

Калит сўзлар: Полисемия, моносемия, лексика, термин, терминология, замонавий лингвистик соҳалар, шакл, маъно, ўзлашма, антропосентрик парадигма.

Кириш.

Полисемия ёки кўп маънолилиқ лексеманинг бирдан ортиқ, лекин бирига яқин маъноларни англатишидир. Бунда лексема таркибида битта шакл (номема) ва бирдан ортиқ маъно (семема) бўлади. Сўзлар дастлабки яратилган пайтда ёки ўзлашганда бир маъноли бўлади. Вақт ўтиши билан тилнинг тараққиёти натижасида унга янги, қўшимча маънолар қўшилиб бораверади. Полисемия ҳодисасининг вужудга келишида тилдаги тежамкорлик қонуни ва умумийлик принципи асосий сабаблардан ҳисобланади. Масалан, лаб лексемаси аввал оғиз бўшлиғининг кириш қисмини чегаралаб турадигантери бурмасини (Лабини бурди) номлаган бўлса, кейинчалик идишнинг, идиш оғзининг айлана четини (Пиёланинг лаби), сувли сатҳнинг қирғоғини (Дарёнинг лаби), ердан баланд ясси сатҳнинг чети, чеккасини (Супанинг лаби) номлаган. Бу ҳолатда 3 та янги маъно (биринчи маънодан ташқари) учун алоҳида сўз яратилмасдан, муайян умумийликлар асосида мазкур маънолар лаб лексемаси билан ифодаланган. Демак, бу ўринда 3 та сўз (лексема) тежалган.



**Полисемем лексемалар таркибидаги маънолараро муносабат
(Лаб сўзи мисолида)[2].**

Полисемия лексемадан ташқари терминларда ҳам учрайдиган ҳодисалардан саналади. Аслида терминология ҳам лексикологиянинг алоҳида, бугунги кунда мустақил ўрганилаётган, ривожланаётган, тараққий этаётган соҳасидир. Термин умумадабий, умумистеъмол лексикадан фарқланади. У семантик жиҳатдан махсус тушунчаларни ифодалайдиган, уларнинг ҳар бири ўз маъносига кўра уникал бўлган, умумадабий сўзлардан бир маънолиги, аниқлиги, системлиги, контекстан холилиги ва эмотсионал жиҳатдан нейтраллиги билан ажралиб турувчи сўз ёки сўз бирикмасидир.[1] Демак, терминга қўйиладиган асосий талаблардан биттаси унинг моносемантик, яъни бир маъноли бўлишидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда луғатларда берилаётган кўпчилик терминлар бир маъноли, яъни моносемантик. Шунинг билан биргаликда, айрим соҳаларда битта термин бир нечта маънони ифодалаши ҳам бугунги соҳа терминологиясида табиий ҳодисага айланиб улгурди. Хусусан, тилшуносликда қўлланувчи акцентуатсия ўзлашмаси биргина тилшунослик соҳасининг ўзида учта маънони ифодаламоқда. 1. Сўз ёки гаптаги маълум қисмларни урғу ёрдамида ажратиш; 2. Тилнинг урғу системаси; 3. Матнда урғуни белгилаш маъноларини ифодалаш мақсадида[3]. Шунингдек, шаклан ўхшаш бўлган айрим терминлар турли хил соҳалар терминлар ўртасида қўлланилиши ҳам учраб туради. Масалан, граната термини 1. Портловчи снаряд; 2. Ирғитиладиган гимнастика асбоби маъноларини англатади. Ушбу битта термин бошқа-бошқа бўлган ҳарбий ва спорт соҳаларида тенг фойдаланилмоқда. Кўриниб турганидек, полисемия ҳодисаси умумадабий тил лексикасида қўлланса, тилнинг бойлиги, бу шеъриятда, бадий асар яратишда сўз ўйинини қўллашда, бадий санъатлардан моҳирона фойдаланишда ижодкорга ёрдам беради, асарнинг эмотсионал-экспрессивлик таъсирини кучайтиради.

Лекин, кўп маънолилик терминлар тизимида қўлланилиши салбий ҳодисалардан ҳисобланади. Чунки битта термин битта маънони ифодалаши, у эмотсионал-экспрессивликдан ҳоли, нейтрал бўлиши керак, дейилди.

Акс ҳолда, термин матнда келар экан, унинг айна қайси маънода келаётганини англашда қийинчилик туғдириши каби салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ундан ташқари, битта термин бир нечта маъноларни ифодалашидан ташқари, бир нечта бир-бирига ўхшаш ёки бир хил терминлар битта маънони ифодаламоқда. Бу илмий тилда дублетлар дейилади, яъни маъноси бир-бирига тенг бўлган сўзлар. Буни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири чет тиллардан кўр-кўрона термин ўзлаштиришидир. Бугунги кунда айниқса, илмий терминологияда русча-байналмилал терминлар тилга тўғридан тўғри, унинг муқобили адабий тил лексикасида бор бўла туриб, яъни тилнинг ички имкониятларидан фойдаланилмасдан ўзлаштирилмоқда. Масалан: тасниф-классификация каби. Бу терминологик тизимни қатъий равишда тартибга солиб туришни тақозо этмоқда. Шу муаммолар ҳисобга

олинган ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019-йил 21-октабрда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Ушбу фармонда ўзбек тилининг мамлакатимизда ва халқаро миқёсдаги обрўсини тубдан ошириш, давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш каби муаммолар ўз аксини топган ва илмий асосланган янги терминларни истеъмолга киритиш ва уни тартибга солиш бўйича Атамалар комиссияси ташкил этилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ҳар битта тилда полисемия ҳодисаси мавжуддир. Тил агар ривожланар, жамиятда фойдаланилар экан тил билан биргаликда полисемия ҳам тараққий этиб бораверади. Аввало, дунё тилшунослигида маъно, лексема шакл билан биргаликда маънодан ҳам иборатлиги, шакл ва маъно муносабати, лексеманинг маънолари ўртасидаги муносабатлар ўрганила бошланган. Бу назариялар ўзбек тилшунослигига ҳам кириб келди.

XX асрда яратилган ишларда тилшуносликнинг алоҳида маъношунослик (семасиология) соҳаси пайдо бўлди. Булар Ш.Раҳматуллаенинг “Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш масалалари” ва бошқа мақолаларида, И.Кўчқортойевнинг “Сўз маъноси ва унинг валентлиги” илмий ишида, кейинчалик М.Миртожйиевнинг “Ўзбек семасиологияси”, М.Ҳакимованинг “Семасиология” каби тадқиқотларида кўринади. Шунингдек, семантика ёки семасиологияга бағишланган илмий адабиётларда, монографияларда полисемияга йўл-йўлакай тўзтаб ўтилган. Ш.Сафаровнинг “Семантика” номли асарида эса маънонинг, асосан, антропосентрик хусусиятлари очиб берилган. Ушбу монографияда маъно, унинг референт назарияси, маъно шаклланишининг дискурсив-синергетик тавсифи, генеративе семантика, когнитив семантика, концепт ва маъно муносабати каби масалалар тўғрисида сўз юритилган.

Тадқиқот методологияси.

XX асрда пайдо бўлган антропосентрик парадигмадан мустақил ажралиб чиққан тилшуносликнинг бугунги замонавий соҳалари ҳам ўзининг сўз бойлигига, терминологик тизимига эга. Бу соҳалар тилшунослик ва бошқа табиий ёки ижтимоий фанлар интегратсиясида пайдо бўлган янги ҳақиқат ўзига хос йўналишлардир. Масалан, сотсиолингвистика сотсиология ва тилшуносликнинг, психоллингвистика психология ва тилшуносликнинг, лингвокултурология лингвистика ва културологиянинг ўзаро муносабатидан келиб чиққан. Бундай соҳалар жуда кўп, бугунги кунда, ҳатто энг янги соҳалари ҳам пайдо бўлмоқда. Албатта, замонавий соҳалар терминологияси бошқа соҳалар, анъанавий лингвистик терминлар фарқланади. Ўзбек тилшунослигига антропосентрик парадигманинг замонавий соҳалари кириб келиши билан унинг

терминологияси ҳам кириб келди, кўпчилик терминлар жадаллик билан тўғридан тўғри ўзлашди ва тилшунослик терминологияси бойиди. Мана шу тилшунослик соҳалари ҳар бири ўзининг алоҳида тадқиқот объекти, предметига эга бўлса ҳам барчаси бир-бири билан боғлиқ.

Бу боғлиқ терминлар орасида ҳам учрайди, яъни битта термин бир нечта замонавий лингвистик соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Хусусан, когнитив тилшунослик, психолингвистика, лингвокултурология, сотсиолингвистика прагмалингвистика каби соҳаларда бир хил муомалада бўлган концепт худди шундай терминлардан бири.

Таҳлил ва натижалар. Концепт лотинча “тушунмоқ”, “тасаввур қилмоқ” маъноларини билдиради. Термин мақомини олган бу сўз инглиз тилидан аввал рус тилига, кейин ўзбек тилига ўзлашган. Бугунги кунда ўзбек тилида “тушунча” сўзига тенг деб қаралмоқда. Когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Когнитив назариясига кўра, концепт тафаккур бирлиги деб қаралади ва у тил бирликларининг маъноси билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. У кўп босқичли тафаккур (онг) фаолияти маҳсули бўлиб, маълум йўсинлардан ўтгандан сўнг индивидуал шахснинг ички лекционидан ўрин олади, унинг идиолекти намунасига айланади.

Концепт лингвокултурология йўналишида энди индивид эмас, умумий, жамоавий тарзда кичади, яъни этник гуруҳлар, ҳар бир халқ, миллат турмуш тарзи, яшаш эҳтиёжи асосидаги маълум лисоний маданиятнинг ўзига хос идрок этиладиган белгисидир. Психолингвистлар таъбирича эса концепт инсоннинг билиш ва мулоқот фаолиятида ҳаракатга келадиган идрокий когнитив тузилма бўлиб, инсон руҳиятининг қонуниятларига бўйсунди ва шу жиҳатдан маъно ҳодисасидан фарқ қилади. Кўриниб турганидек, ҳар қайси соҳа битта тушунчани ўзининг тадқиқот объектига кўра ўрганади. Когнитив тилшунослар концептни тафаккур, онгга боғласа, лингвокултурологлар маданиятга, маданий онгга, психолингвистлар эса уни руҳиятга боғлашади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, терминология лекцикологиядан ажралиб чиққан мустақил соҳаси ҳисобланса ҳам, у умумадабий лектика билан чамбарчас боғлиқ. Вақт ўтиши билан умумистеъмолдаги сўз терминга, термин умумистеъмол сўзга айланиши мумкин. Кўриб ўтганимиздек, адабий лектикага хос шаклий, маъновий ҳодисалар ҳам илмий лектика – терминларга нотаниш эмас. Полисемиядан ташқари терминлар ўртасида омонимия, синонимия, партонимия, градуонимия, гипонимия каби ҳодислар ҳам кўп учрайди. Бу аслида терминларга хос салбий хусусиятлардир. Лекин соҳалар ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, терминларнинг сабабсиз ёки муқобили қидирилмасдан тўғридан тўғри ўзлашиши ва бошқа сабаблар терминология тизимини ўз қонуниятлари асосида тартибга солиб туришни қийинлаштиради. Шу сабабли бугунги кунда жадаллик билан кириб келаётган терминларни тартибга солиш, аввал унинг

муқобилини адабий тилдан қидириш, агар муқобили йўқ бўлса, уни тилнинг ички имкониятларидан фойдаланиб ярим калкаш имкониятлари мавжуд бўлса, бундан фойдаланиш ва шунингдек, терминларни тил қонуниятларига мувофиқ равишда тизимли тартибга келтирувчи терминологик изоҳли луғатларни яратиш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

28. Nilufar, Q., & Zahro, S. (2024). Exploring the intricacies of phraseology in integration with pragmatics. *International Multidisciplinary Journal for Research & Development*, 11(03).

29. Shukurova, Z. F. (2023). Specific features of phraseological and lexical meanings. *Экономика и соцуум*, (7 (110)), 299-302.

30. Farxodovna, S. Z. (2022). Different approaches to the phraseology in Linguistic study.

31. Shukurova, Z. F. (2024). Exploring phraseological units with the notion of friend: a comparative analysis in English and Uzbek languages. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 5(03), 197-202.

32. Мирбабаев, М. (2024). Основы физического воспитания студентов в высшей школе. *Current approaches and new research in modern sciences*, 3(4), 101-104.

33. Мирбабаев, М. (2022). Жанг санъатидаги анъаналар ва янгиликларнинг нисбати. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 9, 7-10.

34. Мирбобоев, М. И. (2022). Талабаларни мустақил жисмоний тарбия ва спорт тайёргарлигига йўналтириш. *УзМУ хабарлари*, 1(5), 150-152.

35. Karimov, A. A., Rakhimov, U. I., Mirbabaev, M. I. (2022). Methods of developing psycho-physiological characteristics of young football players, *Journal of Annals of Forest Research*. 5(8), 15-25.

36. Mirbabayev, M. I. (2022). Shaxmatni o'qitish nazariyasi va amaliyoti. *O'quv qo'llanma*, 1(1), 175.

37. Mirbabayev, M. I. (2022). Jismoniy tarbiyada darslarni tashkil etishning pedagogik asoslari. *Konferensiya*, 5(2), 181-183.

38. Mirbabayev, M. I. (2022). Methods of teaching young attackers a team attack technique. *Emergent Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning*, 3(4), 82-85.

39. Мирбабаев, М. (2022). Использование мультимедиа для визуализации движений борцов школьного возраста в греко-римском стиле. *Инновации в педагогике и психологии*, 5(7).

40. Мирбабаев, М. (2022). Ёш футболчиларнинг машғулот мотивациясини оширишда рейтинг тизимининг самарадорлиги. *Инновации в педагогике и психологии*, 5(6).
41. Мирбобоев, М. И. (2020). Футбол мактабларида ўқув-машғулотларни мазмунли ўтишда асосий талаблар. Конференция, 1(1), 77-78.
42. Мирбобоев, М. И. (2022). Мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятини ривожлантириш. *УзМУ хабарлари*, 1(5), 79-81.
43. Valisherovna, U. M. (2023). TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH KO'NIKALARINI SHAKLLANTIRISH. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 22(8), 152-156.
44. Уринова, М. В., Алихонов, О. С., & Усманова, Н. А. (2020). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ROBOTICS STUDIO В ОБРАЗОВАНИИ. *LBC94*, 1(1), 199.
45. Valisherovna, U. M. (2023). SUN'IY INTELLEKT TIZIMLARINI SALBIY OQIBATLARI VA UNI OLDINI OLISH. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 22(8), 157-160.
46. Urinova, M. V. (2021). Issues of use of information and communication technologies in the conditions of digital economy. *Academic Research In Educational Sciences*, 2(6), 1520-1525.
47. Urinova, M. V. (2020). ISSUES OF USE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE CONDITIONS OF DIGITAL ECONOMY. *EPRA International Journal of Research and Development*, 5(6), 130-132.
48. Акбарова, М. Т., Назмитдинова, Б. Ф., & кизи Юсупова, М. Б. (2023). Кимё фанини ўқитиш жараёнида тарихий маълумотлардан фойдаланиш. *O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali*, 2(20), 180-183.
49. Tilavoldievna, A. M. (2023). The role of innovative technologies in chemistry science teaching. *Open Access Repository*, 9(6), 50-52.
50. Tilavoldievna, A. M. (2023). The methodology of developing the chemical thinking of the students of the field of education. *Open Access Repository*, 9(5), 71-74.
51. Акбарова, М. Т. (2023). Олий таълим муассасаларида номутахассислик таълим йўналиши талабаларининг кимёвий компетенциясини шакллантириш. *Academic research in educational sciences*, 4(6), 243-251.
52. Tilavoldievna, A. M. (2022, December). “Kimyo kursini o'qitishda pedagogik texnologiyalar asosida takomillashtirish”(universitetlarning nokimyoviy ta'lim yo'nalishlari misolida). In *E Conference Zone* (pp. 33-35).
53. Tilavoldievna, A. M. (2022). KIMYO FANINING FANLARARO ALOQADORLIGI. *Conferencea*, 196-199.
54. Акбарова, М. Т. (2023). “Кимё” курсини ўқитишда дидактик материаллардан фойдаланиш (нокимёвий таълим йўналишлари мисолида). *Экономика и социум*, (12 (115)-1), 910-913.
55. Akbarova, M. (2022). Improvement of chemistry course on the basis of modern pedagogical technologies. *Scienceweb academic papers collection*.

56. Акбарова, М. Т. (2022). Кимё” курсининг дидактик материаллари нокимёвий таълим йўналишлари мисолида. *Academic research in educational sciences*, (6), 736-740.
57. Акбарова, М. Т., & Шайзакова, Д. А. (2022). “Кимё” курсини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 852-859.
58. Akbarova, M. T. (2022). Kimyo kursini o'qitishda pedagogik texnologiyalar asosida takomillashtirish. *Science and Education*, 3(5), 2126-2130.
59. Акбарова, М. Т. (2021). Бўлажак геологларга замин ҳақида кимёвий билимлар бериш зарурати. *Инновации в педагогике и психологии*, 4(6).
60. Акбарова, М. (2021). Физика йўналиши талабаларига кимё фанини ўтишда “Атом тузилиши” мавзусини семинар машғулотида глоссарий тренинг методи асосида ўтиш. *Scienceweb academic papers collection*.
61. Akbarova, M. (2021). Кейс–стади технологиясини кимё саноати билан боғлиқ экологик муаммоларни ҳал қилишдаги ўрни. *Scienceweb academic papers collection*.
62. Акбарова, М. Т. (2021). Использование технологии кейс-стади в обучении химии. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(2), 339-345.
63. Акбарова, М. Т. (2021). “Кимё” курсининг дидактик материаллари нокимёвий таълим йўналишлари мисолида. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 736-740.
64. Akbarova, M. (2020). Кимё» курсининг ўзига хос жиҳатлари. *Scienceweb academic papers collection*.
65. Akbarova, M. (2020). Кимё дарсларини ўтишда кейс–стади таълим технологиясидан фойдаланиш. *Scienceweb academic papers collection*.
66. Akbarova, M. (2018). Кимё курсининг ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси. *Scienceweb academic papers collection*.
67. Shohida, B. (2023). Ingliz tili darslarini tashkil etishda kommunikativ metodologiyaning ahamiyati. *Journal of language and linguistics*, 6(5), 95-99.
68. Buzrukova, S. (2022). Shohida Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarini tayyorlashda ijtimoiy kompetensiyaga asoslangan yondashuvni shakllantirish: bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarini tayyorlashda ijtimoiy kompetensiyaga asoslangan yondashuvni shakllantirish. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 4(4).
69. Nilufar, Q., & Zahro, S. (2024). Exploring the intricacies of phraseology in integration with pragmatics. *International Multidisciplinary Journal for Research & Development*, 11(03).